

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ  
2016 йил январь-март**

**Бухоро – 2016 й.**



## СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси – Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2016 йил январь-март ойлари якунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.



**Асосий иқтисодий ва ижтимоий  
кўрсаткичлар**

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	1795,7	107,3
Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	1347,3	109,7
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	550,6	115,1
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	309,6	107,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд.сўм	1177,2	143,3
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	468,8	109,2
Юк айланмаси	млн. тн-км	320,8	100,8
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	901,7	102,8
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	993,7	113,8
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	404,2	108,4
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	145,9	117,7
Экспорт	млн. АҚШ долл.	51,6	57,1
Импорт	млн. АҚШ долл.	94,3	2,8 м.
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), *)	киши	255	108,0
шу жумладан, расман ишсизлик мақомини олганлар, киши	киши	133	93,0

\*) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари бўйича


## Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

2016 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 1795,7 млрд. сўмда баҳоланди. ЯҲМ реал ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 107,3 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида		2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>107,3</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	87,7	85,6	107,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	12,3	14,4	107,5
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>107,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	8,2	7,8	107,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	39,6	39,7	108,2
саноат	27,3	27,4	107,7
қурилиш	12,3	12,3	109,2
Хизматлар	52,2	52,5	106,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	11,0	11,6	110,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	15,2	14,3	103,9
бошқа хизматлар	26,0	26,6	106,5

ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:



Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (110,5%), Қурилиш (109,2%), Саноат (107,7%) ва Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (107,0%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 52,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-мартга нисбатан 0,9 фоизли бандга ошди.

2016 йилнинг январь-мартда хизматларнинг ЯХМ даги улуши 52,5 фоизга ёки бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 52,2 фоизни ташкил этган.

### **Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 15591 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 14142 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 90,7 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (26,3 фоизи), саноат (15,4 фоизи), қурилиш (11,2 фоизи), қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 10,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>15591</b>	<b>100,0</b>	<b>14142</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1371	8,8	1187	8,4
саноат	2394	15,4	2191	15,5
қурилиш	1746	11,2	1521	10,7
савдо	3768	24,2	3308	23,4
ташиш ва сақлаш	981	6,3	903	6,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	858	5,5	772	5,5
ахборот ва алоқа	238	1,5	216	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	658	4,2	649	4,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	3577	22,9	3395	24,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,8 фоизи нодавлат мулки, шундан 25,2 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 74,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.



Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-март ойларида жами 510 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 33,9 фоизи), Ромитан (11,4 фоизи), Гиждувон (7,2 фоизи), Вобкент (6,9 фоизи) ва Пешкў (6,7 фоизи) туманларига тўғри келади.

## Ташқи иқтисодий алоқалар


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 145,9 млн. АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,7 фоизни, шу жумладан экспорт 51,6 млн. АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 57,1 фоизни, импорт 94,3 млн. АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 2,8 м. фоизни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси куйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(минг АҚШ доллар)

	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>123945,5</b>	<b>145903,4</b>	<b>117,7</b>
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	39854,0	103408,5	2,6 м.
бошқа хориж мамлакатлари	84091,5	42494,9	50,5
<b>Экспорт</b>	<b>90365,1</b>	<b>51575,8</b>	<b>57,1</b>
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	21952,8	24503,3	111,6
бошқа хориж мамлакатлари	68412,3	27072,5	39,6
<b>Импорт</b>	<b>33580,4</b>	<b>94327,6</b>	<b>2,8 м.</b>
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	17901,2	78905,2	4,4 м.
Бошқа хориж мамлакатлари	15679,2	15422,4	98,4

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши қуйидагича ифодаланади:




#### Экспорт ва импорт ҳажми таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмдаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>57,1</b>
пахта толаси	44,9	-	-
озиқ-овқат маҳсулотлари	4,0	3,3	82,5
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,4	0,4	100,0
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	6,5	24,5	3,8 м.

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
қора ва рангли металллар	-	1,9	-
хизматлар	21,6	37,8	175,0
бошқалар	22,6	32,1	142,0
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>2,8 м</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	4,9	0,8	16,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	18,1	4,6	25,4
қора ва рангли металллар	7,2	1,6	22,2
машина ва ускуналар	29,2	12,5	42,8
хизматлар	9,2	2,7	29,3
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	25,0	73,3	2,9 м
бошқалар	6,4	4,5	70,3

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби  
умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган  
давлатлар билан товар айланмаси:

	Вилоятнинг ташқи товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Россия Федерацияси	39,0	3,0 м.
Туркменистон	16,1	15,3 м.
Афғонистон	8,9	2,1 м.
Хитой	6,9	47,8
Жанубий Корея	3,0	62,3
Қозоғистон	1,9	114,4
Эрон	1,7	7,9
Украина	1,5	4,1 м.
Туркия	1,3	51,9



Ҳисобот даврида вилоят жаҳоннинг 63 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 24 дан ортиқ мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

2016 йил январь-март ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси таркиби куйидагича ифодаланади:

### Экспорт



### Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

## Саноат

2016 йил январь-март ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 1347,3 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 550,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 115,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 261,3 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 289,3 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 113,8 фоиз ва 116,3 фоиз ишлаб чиқарилди.

2016 йил январ-мартда саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2015 йил январ-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>1347,3</b>	<b>109,7</b>
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш улардан:	153,7	118,4
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	84,7	123,8
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ фаолият хизматлари	4,8	104,7
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	64,2	112,8
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>1147,5</b>	<b>108,7</b>
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	289,7	109,2
Ичимликлар ишлаб чиқариш	6,4	134,3
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	262,2	107,9
Кийим ишлаб чиқариш	99,7	116,9
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,5	133,7
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,9	133,2

	млрд. сўм	2015 йил январ-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	356,4	105,5
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	27,5	119,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	7,2	2,4 м
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	53,8	101,3
Металлургия саноати	2,3	118,8
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	30,0	115,9
Мебел ишлаб чиқариш	9,5	110,6
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	1,4	100,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	34,9	109,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	11,2	102,8
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>550,6</b>	<b>115,1</b>
шу жумладан		
озик-овқат товарлари	261,3	113,8
ноозик-овқат товарлари	289,3	116,3



Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

■ Ишлаб чиқариладиган саноат

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

**Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	январ-март 2016 й.	2015 й январ-мартга нисбатан % да
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>			
Нефт ва газ конденсати	минг.тн	24,3	105,2
Табиий газ	млн.м.куб	1338,0	126,1

	Ўлчов бирлиги	январ-март 2016 й.	2015 й январ-мартга нисбатан % да
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>			
Бензин	минг.тн	226,2	133,1
Дизел ёқилғиси	минг.тн	114,6	79,0
Мазут	минг. тн.	20,6	93,6
Керосин	минг. тн.	33,6	101,8
Суюлтирилган газ	минг. тн.	1,6	160,0
Ароқ	минг.л 100% спирт	394,0	138,2
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг.л 100% спирт	10,0	100,0
Узум виноси	минг. л	245,9	2,8 м
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	19,7	101,9
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	1298,6	115,3
Тозалан ўсимлик ёғи	тн	9558,0	108,7
Омихта ем	тн	9131,0	77,4
Пахта толаси	минг тн	47,6	108,4
Пахта чигити	минг тн	63,6	104,7
Пахта (линти)	тн	3359,0	113,6
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	201,1	88,8


## Қишлоқ хўжалиги

2016 йил январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми амалдаги нархларда 309,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 39,6 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 10,9 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 266,7 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 6,6 фоизга кўп), ўрмон, балиқчилик хўжаликлар ва бошқа хизматлар ҳажми 3,3 млрд.сўмни (ўтган йилга нисбатан 6,8 фоизга кўп) ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 97,6 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжаликларининг улуши 90,8 фоизни ташкил этмоқда.

**Чорвачилик.** 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1133,9 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 380,3 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1952,9 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,3 фоизга кўп), паррандалар 3435,8 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга кўп) ташкил этди.

2016 йил 1 апрел ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>1133,9</b>	<b>105,9</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	58,9	105,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1068,8	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	6,2	101,6
<b>улардан сигирлар</b>	<b>380,3</b>	<b>100,2</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	17,3	100,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	360,6	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,4	114,3
<b>Куй ва эчкилар</b>	<b>1952,9</b>	<b>105,3</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	199,9	105,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1586,8	103,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	166,2	127,1
<b>Отлар</b>	<b>4,5</b>	<b>100,8</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,5	102,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи)	3,7	101,1

	минг бош	ўсиш суръати, %
хўжаликлари		
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	94,4
<b>Паррандалар</b>	<b>3435,8</b>	<b>109,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	184,3	104,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2310,7	110,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	940,8	109,4

2016 йил 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 40073 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга кўп), 160459 тонна сут (6,2 фоизга кўп), 71164 минг дона тухум (19,5 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.


Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,0 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 41,3 фоизни ташкил қилди.

2016 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>40,1</b>	<b>106,2</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,1	106,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	38,5	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,5	109,6

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>160,5</b>	<b>106,2</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	7,4	107,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	152,5	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,6	130,5
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>71,2</b>	<b>119,5</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,1	105,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	29,4	108,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	40,7	129,2

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланadi:  
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 58,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,3 минг бош сигир, 199,9 минг бош қўй ва эчкилар, 184,3 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2015 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 5,0 фоизга, шу жумладан сигирлар 0,6 фоизга, қўй ва эчкилар 5,3 фоизга, паррандалар 4,5 фоизга кўпайган.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2015 йил январь-март		2016 йил январь-март		2015 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	1008	2,7	1070	2,7	106,2
Сут	6904	4,6	7421	4,6	107,5
Тухум, минг дона	1070	1,8	1130	1,6	105,6
Қорақўл тери, дона	8533	6,2	8729	6,2	102,3
Ёпиқ ерларда етиштирилган сабзавот	425	20,3	536	21,9	126,1

## Инвестициялар ва қурилиш

2016 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1172,2 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 143,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	Яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1172,2</b>	<b>143,3</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>83,6</b>	<b>112,7</b>	<b>7,1</b>
бюджет маблағлари	10,1	85,2	0,9
давлат мақсадли фонд маблағлари	18,1	108,9	1,5
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	55,4	121,5	4,7
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>1088,6</b>	<b>146,4</b>	<b>92,9</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	594,6	212,3	50,7
аҳоли маблағлари	128,4	110,6	11,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	309,6	96,4	26,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	30,0	135,2	2,5
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	26,0	-	2,2




2016 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби:

	Жами	давлат	нодавлат
<b>Жами, млрд.сўм</b>	<b>1172,2</b>	<b>94,9</b>	<b>1077,3</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	38,0	66,2	35,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	9,4	16,8	8,6
бошқа харажатлар	52,6	16,9	55,8

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2015 йил январь-март ойларига нисбатан 18,7 фоизга ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 5,6 фоизга камайган, бошқа харажатлар 24,3 фоизга ошган.


инвестициялар технологик структурасининг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1013,9 млрд.сўми ёки 86,5 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 158,3 млрд.сўм ёки 13,5 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ва кредитлар қўйидагича йўналтирилган

умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 119,5 млрд.сўм ёки 75,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2016 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 165,5 минг кв.м. бўлган 1188 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 111,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 127,3 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 115,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 5,0 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,2 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 53,8 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 10,9 км. узунликдаги ичимлик суви, 5,6 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2015 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 198,2 ва 68,3 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 8,0 км. ёки 73,4 фоизи ва газ тармоқларининг 2,7 км. ёки 48,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,1 млрд. сўм (50,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,07 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.


**Қурилиш фаолияти.** 2016 йил январь-мартда 468,8 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,3 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 37,7 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 447,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,5 фоизни (2015 йил январь-мартга нисбатан 0,7 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш.** 2016 йилда барча транспорт турлари томонидан 10,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 6,3 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 320,8 млн. тн. км. ни ташкил қилди ва 2015 йилга нисбатан 0,8 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юк, млн. тн.</b>	<b>10,3</b>	<b>106,3</b>
шу жумладан:		
автомобил транспортида	10,3	106,3
<b>Юк айланмаси, млн. тн. км.</b>	<b>320,8</b>	<b>100,8</b>
шу жумладан:		
автомобил транспортида	320,8	100,8

Автомобил транспортида 10,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 6,3 фоизга ўсди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 7,1 фоизга кўпайди ва 183,8 млн. тн. км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 57,3 фоизни ташкил этди. (2015 йил январь-мартда уларнинг улуши 53,9 фоиз бўлган).

**Йўловчи ташиш.** Жорий йилда барча транспорт турлари томонидан 78,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2015 йилга нисбатан 2,8 фоизга кўпайиб, 901,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>78,1</b>	<b>104,8</b>
шу жумладан:		
автомобил транспортида	78,1	104,8
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>901,7</b>	<b>102,8</b>
шу жумладан:		
автомобил транспортида	901,7	102,8

### Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йилнинг январь-мартида товар айланмаси 993,7 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 13,8 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март млн. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>993707,3</b>	<b>113,8</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	138,3	83,5	-
нодавлат мулки	993569,0	113,8	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	787068,8	104,7	79,2

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 317,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2015 йил январь-мартга нисбатан 102,2 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 676,1 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 20,1 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 68,0 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март млн. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Товар айланмаси</b>	<b>993707,3</b>	<b>113,8</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
уюшган савдо корхоналари	317632,4	102,2	32,0
уюлмаган савдо	676074,9	120,1	68,0

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 50,6 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-мартга нисбатан 2,9 фоизга кўпайди.

2016 йил январь-мартда **иктисодий фаолият турлари бўйича хизматлар** ҳажми 803,3 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 213,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,6 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-мартга нисбатан ҳақиқий ўсиш 113,2 фоизни ташкил этди.

2016 йил январь-март ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март млн.сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>803260,9</b>	<b>113,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	57986,4	111,5	7,2
Молия хизматлари	72616,0	111,7	9,0
Транспорт хизматлари	183326,4	114,3	22,8


	2016 йил январь-март млн.сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	16027,1	116,3	2,0
Савдо хизматлари	292119,6	117,6	36,4
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	25611,6	111,9	3,2
Таълим хизматлари	35822,2	98,5	4,5
Соғлиқни сақлаш хизматлари	15318,5	115,6	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	26564,0	107,1	3,3
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	25908,1	107,1	3,2
Шахсий хизматлар	26295,9	104,7	3,3
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	4923,1	108,6	0,6
Бошқа турдаги хизматлар	20742,0	106,8	2,6

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (36,4 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (22,8 фоизи), молиявий (9,0 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (7,2 фоизи), таълим (4,5 фоизи) ва бошқа (2,6 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (11,5 фоизга кўп), Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (11,7 фоизга кўп) ва Мехмонхона, овқатланиш хизматлари билан бирга (16,3 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

2016 йил январь-март ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

2016 й январь-март



- Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари
- Молия хизматлари
- Транспорт хизматлари
- Яшаш ва овқатланиш хизматлари
- Савдо хизматлари
- Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар
- Таълим хизматлари
- Соғлиқни сақлаш хизматлари
- Ижара ва прокат хизматлари
- Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари
- Шахсий хизматлар
- Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар
- Бошқа турдаги хизматлар



## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1820,4 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 5,2 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 5,8 минг кишини ташкил этди. 2016 йил январь-март ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -0,5 минг кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 1,4 минг киши, кўчиб кетганлар 1,9 минг киши).

2016 йил январь-март ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Минг нафар			Ҳар 1000 кишига	
	2015 йил	2016 йил*)	ўсиш, камайиш (+,-)	2015 й	2016 й*)
Туғилганлар	7,4	7,6	0,2	16,9	16,8
Ўлганлар	1,9	1,8	-0,1	4,2	4,0
шу жумладан					
бир ёшгача болалар**)	0,1	0,1	-	8,4	9,1
Табиий ўсиш	5,5	5,8	0,3	12,7	12,8
Никоҳлар	4,1	3,6	-0,5	9,3	8,0
Ажралишлар	0,4	0,4	-	1,0	0,9

2016 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 7,6 минг кишини ташкил қилди ва 2015 йилга нисбатан 0,2 минг кишига, туғилиш коэффициенти 0,1 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Бухоро туманида (16,2 дан 14,1 промиллега), Вобкент туманида (17,9 дан 17,4 промиллега), Пешку туманида (18,4 дан 16,9 промиллега), Шофиркон туманида (16,6 дан 16,3 промиллега), Когон туманида (19,7 дан 17,0 промиллега), Когон шаҳрида (16,8 дан 14,1 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Когон (14,1 промилле) шаҳрида бўлгани кузатилди.

\*) Дастлабки маълумот

\*\*) ҳар 1000 туғилганларга

2016 йил январь-мартда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 0,1 минг кишига ёки 5,3 фоизга камайди. Ўлганлар сонининг камайиш ҳолати эса Олот туманида (5,0 дан 3,6 промиллега), Бухоро туманида (4,2 дан 3,4 промиллега), Пешкў туманида (3,8 дан 3,4 промиллега), Қорақўл туманида (4,5 дан 3,9 промиллега), Ромитан туманида (3,9 дан 3,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон туманида (5,1 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Бухоро ва Пешкў туманларида (3,4 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 1,1 минг та (61,1 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан 0,1 минг та (5,6 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,1 минг та (5,6 фоизи), саратон касалликлари 0,2 минг та (11,1 фоизи) ва юқумли касалликлардан 0,1 мингта (5,5 фоизи) бошқа касалликлардан 0,2 мингта (11,1 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил 1 апрель ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 81 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2015 йилнинг январь-мартида 8,4 промилле бўлиб, 2016 йил январь-мартида 9,1 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 29 та (39,7 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 21 та (28,8 фоизи) вафот этган.

2016 йил январь-мартида 3,6 мингта никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 0,4 минг тани ташкил қилди.

**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-мартга нисбатан 0,9 фоизга кўпайиб, 1061,2 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,3 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 822,6 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2016 йилда ўтган йилга нисбатан ўзгармаган бўлиб 82,3 фоизни ташкил қилди.


2016 йилнинг январь-мартида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 4,3 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2015 йил январь-мартга нисбатан 0,2 кишига ёки 3,5 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 12,9 фоизи), Қорақўл (11,7 фоизи), Шофиркон (11,4 фоизи), Гиждувон (12,0 фоизи) туманларида юқори бўлди.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 4,1 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 95,3 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига 93,3 фоизни ташкил қилган.

2016 йил март ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 255 кишини ташкил қилди. (2015 йил март ойининг охирида 236 киши бўлган.)

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Гиждувон туманига (27 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 10,6 фоизи), Жондор туманига (38 киши, жами рўйхатда турганларнинг 14,9 фоизи) ва Пешкў туманига (24 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,4 фоизи), Бухоро шаҳрига (29 киши, жами рўйхатда турганларнинг 11,4 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг март ойи охирига 133 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2016 йил январь-март ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 12,1 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,3 фоизи (7,5 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.